**Ушбу сонда:**

**2** *Ислоҳот инсон учун* КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ САМАРАСИ

**3** «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

**4** *Мухбир мулоҳазаси* НУКУС БОЗОРЛАРИ


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 13 июн, сешанба №84 (916)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 июн куни Оқсарой қароргоҳида Халқаро валюта жамғармасининг Иккинчи Европа департаменти директори Жон Одлинг-Сми раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.***

Мазкур делегация Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишиш, жамғарманинг мамлакатимиз билан ҳамкорлигини кенгайтириш имкониятларини ўрганиш мақсадида юртимизга ташриф буюрган. Давлатимиз раҳбари бу хайрли ният келгусида алоқаларимизни ривожлантиришда муҳим ўрин тутажагига умид билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕҲРОН САФАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ЭКО) олтинчи саммитида қатнашиш ҳамда Эрон Ислом Республикасига амалий ташрифини адо этиш мақсадида 9-11 июн кунлари Теҳрон сафарида бўлди.***

***ЭКОга аъзо мамлакатлар делегациялари «Ҳофизия» қароргоҳига йиғилди. Саммит мезбони галдаги олий даражадаги йиғилишга қадар ЭКОга раислик қилади. Бинобарин, мажлисни Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий бошқарди.***



Бугунги кунда дунё иқтисодиётидаги жараёнлар табора фаоллашмоқда. Анъанавий коммуникация тармоқлари ривожланиб, фан-техника ва технология тобора юксак чўққиларни забт этаётир. Шуни инобатга олиб, саммит иштирокчилари ЭКОнинг янги мингйилликдаги стратегиясини ишлаб чиқиш борасида ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказишга келишиб олди. Шунингдек, энди транспорт ва коммуникация, савдо-сотиқ ва энергетика борасидаги ҳамкорлик устувор соҳалар, деб қабул қилинди. Қатнашчилар айрим мамлакатлардаги қашшоқлик, турли юқумли касалликлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ечиш, устувор соҳалар билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, саноат, инсон ҳаёти мезонлари бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш, айни пайтда наркотик моддаларнинг ноқонуний савдо-сотиғига қарши биргаликда курашиш истагини билдирди.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг саммитда сўзлаган нутқи жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Боиси мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида нафақат минтақамиз, балки дунё миқиёсига молик амалий таклифларни илгари сурди. Президентмиз, аввало, ЭКО том маънода Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бўлиши лозимлигига эътиборни қаратди. Яъни, аъзо мамлакатлар ташкилот фаолиятига сиёсий тус беришга интилмасдан, биринчи навбатда, минтақада иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида бош қотириши керак. Шунингдек, дунё иқтисодиёти шиддат билан ўзгариб, илм-фан ва технология ривожланиб бораётган замонда ташкилот шароитга мослашмоғи ва шу жиҳатдан олиб қаралганда, ЭКОни ислоҳ этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки саммитда тўғри таъкидланганидек, баландпарвоз гаплар билан бирга, шунчаки имзоланаётган лойиҳалар ҳам оз эмас. Шу пайтгача тасдиқланган эллик лойиҳанинг тўққизтасигина ҳаётга татбиқ этилаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Аслида ЭКО доирасида бирор ҳужжат имзоланса, кенг овоза қилинади, лекин ижрога келганда, сусткашлик ва эътиборсизликка дуч келинмоқда.

Қабул қилинган қарор, имзоланган ҳужжатларнинг ижроси аввало барқарорликка боғлиқ, деб таъкидлади Ўзбекистон раҳбари учрашувда. Шу боис Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, ЭКО доирасидаги деярли барча саъй-ҳаракатлар зое кетаверади. Бу беқарорлик эса нафақат минтақага, балки бутун дунёга хавф соляпти. Афғонистондан чиқаётган террорчилар, гиёҳванд моддалар жуда олис ўлкаларга ҳам етиб боряпти ва ҳалокат уруғини сочяпти. Ислом Каримовнинг фикрича, Афғонистондаги қарама-қаршиликни тугатиш учун унга ташқи аралашувга чек қўйиш лозим. Мазкур ўлкада тинчлик ўрнатиш учун эса аввалaмбор ўт очишни тўхтатиш ва музокара бошлаш керак. Қуролли тўқнашувлар бир томоннинг иккинчи томон устидан мутлақ ғалаба қозонишига олиб келмайди. Буни айниқса «Толибон» ҳаракати яхши англаб етиши зарур.

ЭКО саммитида Президент Ислом Каримов илгари сурган яна бир масала наркотик моддаларнинг ғайриқонуний савдосига тегишли бўлди. Ҳозирги кунда дунёда етиштириладиган гиёҳванд моддаларнинг 70-75 фоизи Афғонистонда тайёрланмоқда ва асосан, ЭКО мамлакатлари орқали жаҳонга тарқаляпти. Айни пайтда бу кулфат мазкур давлатларнинг ўзида ҳам оғу истеъмолининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш дастури вакили эълон қилган маълумотга кўра, Эрон ва Покистонда героин истеъмол қилувчи кишилар сони бир миллионга етган, Марказий Осиёда ҳам бу кўрсаткич ошмоқда. Албатта, ЭКО мамлакатлари ғайриқонуний ташилаётган наркотик моддаларни ушлаш борасида дунёда етакчи ўринда туради. Бутун дунёда мусодара этилаётган оғунинг 80-90 фоизи ЭКОга тўғри келади. Лекин бу муаммони тўла ечмайди. Шу боис, саммитда қабул қилинган ва Теҳрон декларацияси номини олган ҳужжатга ЭКО ҳузурида БМТнинг махсус дастури билан ҳамкорликда ишловчи наркотик моддаларнинг ғайриқонуний ҳаракатланишига қарши курашни мувофиқлаштирувчи орган ташкил этиш тўғрисидаги банд киритилди.

Президент Ислом Каримовнинг Эронга амалий ташрифи дастурдагидан анча олдин бошланди. Теҳронга келган куни давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ислом Каримов шу куни кечқурун Эрон ташқи ишлар вазири Камол Харрозий билан учрашди.

11 июн куни Эрон Президентининг «Жумҳурия» қароргоҳида бўлиб ўтган икки мамлакат давлат раҳбарларининг музокаралари ҳақида мулоҳаза юритишдан аввал, сўнгги йилларда Эронда юз бераётган ўзгаришлар хусусида тўхталиб ўтсак. Эроннинг 1979 йилдан буён деярли ўзгаришсиз келаётган сиёсий ҳаётида сўнгги уч йил мобайнида сезиларли бурилиш юз бермоқда. Давлат тепасига катта ислоҳотлар орзусида бўлган Муҳаммад Ҳотамий келди. У халқаро иқтисодий ва сиёсий тазйиқлар қуршовида қолган мамлакатини янги йўлга бошламоқчи бўлди. Лекин мамлакатда катта нуфузга эга бўлган радикал кучлар бунга имкон бермаслиги аниқ эди. Парламент ҳам уларнинг ёнини олди. Муҳаммад Ҳотамий учун президент лавозимини эгаллаш қанчалик қийин кечган бўлса, ўз режаларини амалга ошириш ундан ҳам оғир эди. Ниҳоят бу йил баҳорда Эронда парламентга сайлов ўтказилди. Сайлов танлаган йўлида собит турган Муҳаммад Ҳотамий фойдасига ҳал бўлди: депутатлар орасида ислоҳотлар тарафдори бўлганлар тахминан 60 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатда Президент Ҳотамийнинг йўлини ёқлайдиганлар кўпайгани, у ўтган вақт ичида аҳолининг аксар қисмида ўз сиёсатига ишонч ва эътиқод уйғота олганидан дарак беради.

Айни пайтда Эрон Марказий Осиё мамлакатлари, аввало, Ўзбекистон билан муносабатларни мустаҳкамлашга киришмоқда. Бунинг сабаби, аввало, мамлакатимизнинг минтақадаги юқори мавқеи ва Президент Ислом Каримов юритаётган изчил сиёсат билан изоҳланади, албатта.

Теҳронда кечган музокаралар чоғида ЭКО фаолияти ва Афғонистон муаммоси бўйича Ўзбекистон билан Эроннинг қарашлари яқин эканлиги намоён бўлди. Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлик икки томонда ҳам теран ҳис этилмоқда. Айниқса, транспорт коммуникацияси ва савдо-сотиқ борасида. Бундан ташқари, музокараларда жуда тўғри таъкидланганидек, баландпарвоз гаплар гапириш, кўплаб ҳужжатларга имзо чекиш мумкин, лекин ўзаро ишонч ва ҳурмат бўлмаса, барча саъй-ҳаракатлардан наф йўқ.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Эрон Ислом Республикаси Президенти ўртасидаги музокаралар якуни бўйича Қўшма баёнот имзоланди. Шунингдек, уюшган жиноятчилик, терроризм, наркотик моддаларнинг ғайриқонуний ҳаракатланиши, жиноятчиларни ушлаб топшириш, божхона хизматларига ёрдам кўрсатиш, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш борасида ҳам ҳужжатлар қабул қилинди.

Эронга сафари чоғида Президент Ислом Каримов ЭКО саммитида иштирок этиш учун Теҳронга келган айрим мамлакатлар раҳбарлари билан учрашди. Дастлаб Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев билан учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимизнинг икки томонлама алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикрлашиб олинди. Ислом Каримовнинг Покистон ижро ҳокимияти раҳбари Парвез Мушарраф билан учрашувида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг бош мавзуи бўлди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент-Теҳрон-Тошкент

## РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул муомаласини тўғри ташкил этиш ҳамда уни тартибга солиш, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қарорларининг ижро этилиши, шунингдек, корхоналарда хорижий валюта тушумлари аҳволи муҳокама этилди.

Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси раиси, Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарган мазкур мажлисда жорий йилнинг май ойида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш кўрсаткичлари мамлакат миқёсида кўзда тутилган даражадан анча юқори бўлгани таъкидланди. Ушбу даврда банклар кассаларига 4,9 миллиард сўм ёки 7,9 фоиз кўп нақд пул келиб тушди. Муомалага нақд пул чиқариш ҳажми мамлакат миқёсида мўлжалланган даражадан анча паст бўлди. Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида эса муомаладан нақд пул олишга эришилди.

Шу билан бирга, Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳри ва Андижон, Марҳамат туманларида, Навоий вилояти Зарафшон шаҳрида, Сурхондарё вилояти Денов ва Шеробод туманларида муомалага нақд пул чиқариш ҳажмига риоя этилмагани сабаблари очиб ташланди ва уларнинг фаолияти кескин танқид қилинди. Ушбу масала юзасидан мазкур ҳудудлар пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Уларга июнь ойининг қолган кунларида юқоридаги кўрсаткичларни бажариш учун барча имкониятларни ишга солиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижро этилиши ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, пенсия ва нафақалар ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари ойма-ой ўз вақтида тўлаб борилаётгани ва бу борада узилишларга йўл қўйилмаётгани қайд этилди. Айни вақтда айрим хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ушбу корхоналар раҳбарларининг айби билан иш ҳақи тўловларида асоссиз узилишларга йўл қўйилаётгани айтиб ўтилди. Ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари зиммасига бу борадаги камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг «Тўлов балансининг даромад қисмини тўлиқ ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига мувофиқ «Савдогарбанк», «Ўзприватбанк» банкларида экспорт-импорт шартномаларини ҳисобга олиш ишлари, хорижий валюта тушуми ва корхоналарнинг чет эл валютасини мажбурий сотуви аҳволи юзасидан ўтказилган текширувлар якунлари ҳам муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан ушбу банк раҳбарларининг ҳисоботлари тинглангач, уларга жорий йилда хорижий валютадаги экспорт тушумлари ҳажмини ошириш ва мажбурий сотувнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш вазифаси топширилди.

**(ЎзА).**

## ХАЛҚ ЭЪЗОЗИДАГИ АДИБ

***Саид Аҳмадни Ўзбекистоннинг энг севимли ва энг ардоқли ёзувчилвридан, десак муболаға бўлмайди. Зотан, юртимизда унинг сеҳрли қаламига мансуб китоблари кириб бормаган хонадоннинг ўзи йўқ. Қолаверса, китобхони, томошабини ва шогирдлари энг кўп адиблардан бири ҳам айнан Саид Аҳмаддир.***

1О июн куни пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида халқимиз эъзозига сазовор бўлган адиб таваллудининг 8О йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов очар экан, Саид Аҳмад собиқ шўролар замонида ўзбек адабиёти бошига тушган оғир кунларнинг гувоҳи бўлиш билан бирга, юртимизнинг мустақиллигини ҳам кўриш насиб этган ва бугун истиқлолимизнинг янада мустаҳкамланиши учун астойдил хизмат қилаётган хассос адиб эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмадга йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев ўқиб эшиттирди.

Кечада сўзга чиққан Маданият ишлари вазири Х.Жўраев, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э.Воҳидов, халқ ёзувчилари Ў.Ҳошимов ва Н.Аминов адиб босиб ўтган ибратли умр йўли, унинг ижоди ва фаолияти ҳақида сўзлади. Севимли адибимиз шаънига айтилган ҳар бир табрик, ҳар бир сўз ўзбекона тароналар ва ичакузди ҳангомаларга уланиб кетди.

- Бугун мендан бахтли инсон йўқ,- деди Саид Аҳмад. - Шогирдларим бағримда, эл назаридаги инсонман. Бахтлилигимнинг боиси яна шундаки, мустақил юртимизнинг энг юксак орден ва медаллари, «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвонига сазовор бўлдим. Юртбошимиз кўпдан-кўп масъулиятли юмушларидан вақт ажратиб, менга самимий табрик йўллаганидан қалбим айниқса қувончга тўлди. Буларнинг барчаси учун Президентимиздан, халқимиздан беҳад миннатдорман.

**(ЎзА).**

## ЎҚУВЧИЛАР ЁЗИ СОЗ ЎТАДИ

Ўқувчи ёшларнинг ёзги таътиллари бошланиши муносабати билан Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналари Давлат уюшмаси касаба уюшмаси қўмитаси қатор тадбирларни белгилади. Бу йил уюшмага қарашли «Трамвайчи», «Автомобилчи» болалар оромгоҳлари қайта таъмирланиб, янги мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Ушбу сўлим оромгоҳларда уч сменада 2200 га яқин транспортчилар фарзандлари ёз гаштини суради. «Автомобилчи» оромгоҳида эса тўртинчи смена ҳам ташкил этилиб, унда транспортчиларнинг дам олиши уюштирилади.

Ёз ойи давомида оромгоҳларда ўнга яқин тўгараклар ишлаб туради. Шу билан бирга соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади.

Кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларига йўлланмалар бепул берилади.

*Ислоҳот инсон учун*

## КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ САМАРАСИ

***Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин.***

**Ислом КАРИМОВ.**

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун» ғоясига амал қилиб келинмоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзда тутилган асосий мақсад инсон манфаатларини таъминлаш, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароитларини яратиб беришдан иборатдир. Ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш учун кучли ижтимоий сиёсат юритиш зарур эди. Шу боис бундай сиёсат Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг беш муҳим тамойилидан бири сифатида асослаб берилди.

Ўтиш даврида пулнинг қадрсизланиши, нархларнинг эркинлаштирилиши, кенг кўламдаги хусусийлаштириш жараёнлари, ишсизлик муаммолари аҳолининг барча табақаларини қамраб олади ва айниқса кам таъминланган аҳоли қатламларини иқтисодий қийин аҳволга солиб қўяди. Ана шундай шароитда ижтимоий муҳофаза тадбирларининг амалга оширилиши жамиятда фуқаролараро тинчлик-тотувлик, барқарорлик ва ислоҳотлар муваффақиятини таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Буни Хоразм вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоят хокимлиги аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, кам таъминланган оилалар манфаатини ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари очиш, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш масалаларида касаба уюшмалари, бошқа жамоат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг бундан бир йил муқаддам қабул қилган «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш, хорижий сармояларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя масалаларида кенг имкониятлар очди.

Меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш ўринлари очиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ижтимоий ҳимоялаш тизимидаги асосий вазифалардан биридир. Бугунги кунда вилоятда расман рўйхатдан ўтган ишсизлар сони 2628 нафарни ташкил этади. Жами аҳолининг 76 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Воҳа шароитида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш долзарб масалалар сирасига киради. Бу муаммо кичик ва ўрта корхоналарни, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали ҳал этилади.

Ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим йўналишларидан бири бу аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдир. Бугунги кунга келиб вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 65.8, табиий газ билан таъминлаш 90.6 фоизни ташкил қилади. Янги сув ва газ қувурларини ўтказиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерларни ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу қарор асосида вилоятда тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Юқорида таъкидланган тоифага мансуб 2388 нафар фуқаро турар жойлари бўйича рўйхатга олинди ва тиббий кўрикдан ўтказилди. Натижада уларнинг 442 нафари кўз ойнакка, 220 нафари тиш протези, 19 таси ногиронлик аравачиси, 87 нафари эшитиш мосламаси, 21 нафари протез, 19 нафари ортопедик маҳсулот, 375 нафари дори-дармон, 48 нафари касалхонада даволаниш, 146 нафари сиҳатгоҳда дам олишга муҳтожлиги аниқланди. Бу муаммолар ҳокимликлар, ижтимоий таъминот идоралари, касаба уюшмалари, хайрия жамғармалари томонидан босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Бундан ташқари рўйхатга олинган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар томонидан 45 млн сўмликдан ортиқ кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 70 нафар қариялар Қизил Ярим ой жамиятининг меҳр-шафқат хизматини бажарувчи 8 нафар ҳамшираси қарамоғига, 112 нафари эса Франция тажрибаси бўйича оила ҳомийлигига олинди. Хива шаҳри, Қўшкўпир ва Шовот туманларида ёлғиз кексалар ва ногиронларнинг биргаликда дам олиш ва мулоқотда бўлиш марказлари барпо этилмоқда. Урганч шаҳрида янги ташкил этилган реабилитация марказида ногиронларни соғломлаштириш ва касб-ҳунарга ўргатиш ишлари намунали ташкил этилган.

**(Давоми 2-бетда).**

# «РАҲМАТ»ГА ЭЛ РАҲМАТИ



Ғиждувонлик Иброҳим Раҳматов истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ туманда тадбиркорликка биринчи бўлиб бел боғлаган инсонлардан.

1994 йилда у Ғиждувондаги «Раҳмат» хусусий фирмасини ташкил қилган эди. Шуниси эътиборлики, фирма қисқа вақт ичида оғизга тушиб улгурди.

Иброҳим аканинг фирмасига борсангиз ҳавасингиз келади. Ишчилар қўли-қўлига тегмай ажойиб ускуна-компрессорларни моҳирона бошқариб, болажонларнинг севимли неъмати — музқаймоқ ишлаб чиқаришмоқда.

Ҳозирги кунда фирманинг 65 нафар аъзоси 1,5 тонна атрофида музқаймоқ ишлаб чиқардилар. Ёзнинг иссиқ кунларида бу кўрсаткични 10 тоннага етказиш ниятидалар. Яхна ичимлик ишлаб чиқариш бўйича ҳозиргача 15 минг дона ярим литрлик ва 1,5 ҳамда 2 литрлик идишларда 3000 дона шартли дона яхна ичимлик ишлаб чиқарди.

Фирма раҳбари Иброҳим ака келаётган даромаднинг асосий қисмини хайрия ишларига сарфламоқда. Ғиждувондаги меҳрибонлик уйи, кам таъминланган оилалар, туман футбол федерацияси «Раҳмат» фирмаси кўрсатаётган кўмакдан ғоятда мамнун.

**Суратда: (чапдан ўнгга) цех ишчилари Қосим Ҳамдамов, Санобар Бўронова, цех бошлиғи Муртазо Раҳматов ва ишчи Аъзам Қудратов.**

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Маҳалла врачлик пунктлари

Бўстон шаҳридаги «Тошкент» маҳалласида тиббиёт врачлик пункти иш бошлади. Мазкур шифо маскани учун зарур бўлган 5 та шинам хонани шифокор Генжебой Маткаримов шахсий уйининг бир қисмидан ажратди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан таъминланган пунктда 7 нафар врач ва ҳамшира маҳалланинг 4 минг кишилик аҳолисига дастлабки кунданоқ хизмат кўрсата бошлади.

18 июн - тиббиёт ходимлари куни арафасида Элликқалъа туманининг 6 та маҳалла ва овул фуқаролари йиғинлари ҳудудларида ҳам тиббиёт врачлик пунктлари фойдаланишга топширилади.

## *Қорақалпоғистон янгиликлари*

# «БОҒЧА ЮЛДУЗИ» ТАНЛОВИ

Тахтакўпир туманида «Соғлом авлод йили»га бағишлаб, тарбияланувчилар орасида «Боғча юлдузи» танлови бўлиб ўтди. Туман хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими ва маданият ишлари бўйича бўлимлар ҳамкорликда ўтказган бу танловга 6 боғча тарбияланувчилари қатнашишди. Ёш тарбияланувчилар мустақил Ватанимизни таърифлаш, адабий ўқиш, спорт ва бошқа босқичлар бўйича ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Танлов якунида барча шартларни аъло даражада бажарган тумандаги 2-болалар боғчасининг тарбияланувчиси Олима Тўлепберганова биринчи ўринни эгаллаб, «Боғча юлдузи» деб топилди.

# ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

Кегайли тумани марказида макарон цехи иш бошлади. «Кегайлитутинув» ҳиссадорлик жамиятига қарашли мазкур цехда уч турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Дастлабки маҳсулотлар туман касалхонаси, болалар боғчасига, шунингдек, деҳқонларга ёрдам бераётган шаҳарлик талаба-ёшларга етказиб берилди. Маҳсулотларнинг бир қисми цехнинг махсус дўконида харидорларга арзон баҳоларга сотилмоқда.

# ТАЛАБАЛАР ДАРОМАДИ ҲИСОБИДАН

Чимбой туманидаги 1-сонли лицей ўқувчилари ёзги таътил кунларида ўзларининг ёрдамчи хўжалигида меҳнат қилмоқдалар. Ўқувчилар ҳар йили мазкур хўжаликлардан мўл даромад олмоқдалар. Масалан, ўтган ўқув йилида ишлаб топилган даромаднинг 1 миллион сўмига комьютер, 100 минг сўмига турли дарсликлар сотиб олинди. Бу йил эса ўқув юртига мусиқа асбоблари ҳамда видеокамера сотиб олиш режалаштирилган.

# КЎЗИ ОЖИЗЛАР МУСОБАҚАСИ

Қорақалпоғистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти республика бошқармаси, Нукус шаҳар кўзи ожизлар жамияти ҳамкорлигида кўзи ожизлар орасида шашка бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда жами 30 нафар иштирокчи икки кун давомида куч синашишди.

Мусобақа якунида эркаклар орасида Т.Тўремуродов ва Н.Сисанғолиев, қизлар орасида М.Абдуллаева, Ш.Қодирова ва А.Холмуродовалар ғолиб деб топилдилар.

Ғолибларга ва мусобақанинг барча иштирокчиларига Қорақалпоғистон касаба уюшмалари республика кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

## *Ислоҳот инсон учун*

# КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ САМАРАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бундан ташқари вилоятдаги кам таъминланган оилалар, кам миқдорда пенсия олувчилар ва бошқа шу каби ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли табақалари ҳам доимий равишда маҳалла тизими, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари орқали моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Бу тадбирларда касаба уюшмалари кенгаши, «Соғлом авлод учун», «Наврўз», «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Улуғбек» жамғармалари фаол иштирок этмоқдалар. Умуман аҳолини ижтимоий ҳимоялашда нодавлат ва жамоат ташкилотлари роли тобора ортиб бормоқда.

Мана, ёз мавсуми келиб кўпчилик дам олиш, даволаниш учун сиҳатгоҳларга йўл олмоқда. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши меҳнаткашларнинг ва ўқувчи ёшларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун қатор тадбирларни амалга оширди. Ўтган йили вилоятдаги мавжуд сиҳатгоҳларда 6385 нафар киши, 64 та оромгоҳда 22.950 нафар ўқувчилар дам олиб соғломлаштирилган эди. Шунингдек, 1500 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари Тошкент вилоятидаги оромгоҳларга юборилганди. Бу йил «Соғлом авлод йили» муносабати билан бу тадбирларга пухта ҳозирлик кўрилди.

Олий Мажлис томонидан яқин истиқболда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ қатор янги қонунлар қабул қилиниши режалаштирилган. Жумладан, Олий Мажлиснинг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қўмитаси томонидан янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги, «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида»ги қонун лойиҳалари тайёрланиши мўлжалланган.

Шу ўринда айрим таклиф, фикр-мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Чунончи, ижтимоий ҳимоя борасида қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида давлат тасарруфида бўлмаган пенсия жамғармалари, экологик оғир минтақаларда яшаётган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Нарх-наво ошиши билан даромадларни индексациялаш бюджет муассасаларида тўла амалга ошириляпти, аммо айрим корхоналар, жамоа хўжаликларида бу тадбирнинг амалга оширилмай қолиши ёки кечикиб амалга оширилиши мазкур жамоаларда меҳнат қилаётган аҳоли манфаатларига путур етказмоқда. Солиқ тизимида бюджет соҳасида меҳнат қилаётганларни солиққа тортиш механизми аниқ-равшан бўлсада, хусусий секторда ишлаётганларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман. Жамоат ташкилотлари, хайрия жамғармаларига аҳолини ижтимоий ҳимоялаш аҳамиятидан келиб чиқиб имтиёзли кредитлар, инвестициялар жалб қилиш бўйича имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқдир. Умуман ижтимоий ҳимоя тизимида жаҳон тажрибаси билан миллий хусусиятларнинг уйғунлашувига эришишимиз керак. Юксак самарали ижтимоий сиёсат инсоний салоҳиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, баркамол авлодни вояга етказиш, буюк келажак барпо этишнинг муҳим кафолатидир.

**Одилбек АДАМБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда «Аёл ва экология» дастури бўйича кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари туман ҳокимлиги, республика саломатлик маркази, Қоратош маҳалла қўмитаси қошидаги хотин-қизлар кенгаши вакиллари ва фаолларидан ташкил топганди.

# МАКТАБ – ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ

Аввало, нима учун худди шу мактабда мазкур тадбир ўтказилди, деган табиий савол туғилиши мумкин. Боиси, ушбу билим масканида «Соғлом авлод йили» дастури ишлаб чиқилиб, унинг амалийлигини таъминлашга эришилмоқда. Жумладан, бу борада турли учрашувлар, суҳбатлар, кўрик-танловлар уюштирилган, кўргазмалар ташкил қилинган. Айниқса, «Оила фаровонлиги — миллат фаровонлиги», «Бизнинг келажагимиз ва экология», «Уйим, мактабим — Ватаним» мавзулардаги анжуманлар, спорт мусобақалари ўтказиб турилди. Оилани мустаҳкамлаш, ёш авлод тарбияси, она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган учрашувларда намунали оилаларга «Мақтов ёрлиқлари» топширилиши айниқса ибратлидир. Шу тариқа «Оила-мактаб-маҳалла» ҳамкорлиги янада мустаҳкамланишига имконият яратилмоқда.

**Уйғун ШОРИХСИЕВ,**
**Тошкент шаҳар СЭСи ходими.**

Бугунги кунда жаҳон халқ таълими тизимида компьтер, лазер, информатика каби ўқув қуроллари ўқувчилар билим доирасини кенгайтиришда қўл келмоқда. Таълимнинг замонавий техникалар билан жиҳозланиши туфайли холодинамика, дианетика, биокоррекция, нейролингвистика сингари

# ДАСТУР КОНГРЕССДА ЯХШИ БАҲОЛАНДИ

иборалар тез-тез тилга олинадиган бўлиб келди.

Ўқувчи ёшларга пухта билим беришни янада яхшилаш ва таълим жараёнларини такомиллаштириш мақсадида яқинда Канадада политехника ва касб-ҳунар таълими бўйича ўтказилган биринчи халқаро конгрессда ҳозир илгарилаб борилаётган илғор ўқув жараёнлари атрофлича кўриб чиқилди. Шу анжуман ишида жаҳондаги 75 та мамлакатдан икки ярим мингта йирик мутахассислар иштирок этди. Улар орасида Ўзбекистондан бир гуруҳ мутахассислар ҳам бор эди.

Мазкур нуфузли конгрессда Канаданинг «Техникавий билимлар лойиҳаси орқали иқтисодий тараққиёт» дастури доирасида ўзаро мулоқот ҳам уюштирилди. Шуни алоҳида мамнуният билан айтиб ўтиш жоизки, ана шу давра суҳбатларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълимий ислоҳотлар самараларига ҳам яхши баҳо берилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури Ватан ва жаҳон маданиятининг юқори ютуғи бўлиб, халқаро андозаларга жавоб беради, деб баҳоланди. Айни бир вақтда Ўзбекистонда ташкил этилаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари замонавий ўқув техникалари ҳамда тажрибали педагог кадрлар билан таъминлангани ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Тошкентда ташкил қилинган ўқув жиҳозлари кўргазмаси Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқитишда фойдаланиладиган техника воситаларидан энг замонавийларини тайёрлаш имконига эга эканлигини яна бир бор исботлади.

Бундан ташқари Ўзбекистон таълим тизимида АҚШ, Германия, Япония ўқув техникалари ва компьютерларидан фойдаланилмоқда. Англия, Австралия, Янги Зеландия каби мамлакатлар билан илмий-маърифий алоқалар мувофаққиятли йўлга қўйилмоқда, деб таъкидланди.

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**

# МЕҲНАТ БОЗОРИ: МУТАХАССИСЛАР ФИКРИ

***Тошкентда меҳнат бозорини такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кўмагида Жаҳон банки институтининг «SPRITE» дастури доирасида ўтказилди.***

— Республикамизнинг турли ҳудудларидаги бандлик хизмати раҳбарларидан иборат анжуман иштирокчилари жойларда меҳнат бозорини ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиб, уни шакллантириш йўллари хусусида фикр алмашдилар, - деди «SPRITE» дастурининг Ўзбекистондаги раҳбари Абдураҳим Ваҳобов «Туркистон-пресс» мухбири билан бўлган суҳбатда. — Ишсизлик муаммоси ўз иқтисодиётини эркинлаштираётган ҳар бир мамлакат учун табиий ҳолдир. Бироқ Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тамойиллари ҳисобга олинган ҳолда, ишсизлик даражаси ўртача кўрсаткичдан ошмаслиги зарур. Шу сабабли янги иш жойларини барпо этиш ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ масалалар анжуман иштирокчилари диққат марказида бўлди.

2000 йилнинг январ ойи учун тайёрланган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ишсизлик нафақасини олувчи 50 мингта фуқаро расман қайд этилган. Бу меҳнатга лаёқатли аҳоли умумий сонининг 0,5 фоизини ташкил этади. Аммо мазкур рақамлар унчалик аниқ эмас, чунки республикада яширин ишсизлик мавжуд. Аввалабор, бу ҳол қишлоқ хўжалиги тизимида, яъни фақатгина мавсумий дала ишлари билан шуғулланадиган деҳқонлар орасида кузатилмоқда. 63 фоиз аҳоли қишлоқ жойларида яшаши сабабли, ушбу муаммо долзарблигича қолаётир.

Абдураҳим Ваҳобовнинг фикрича, меҳнат бозорини шакллантиришдаги яна бир муаммо меҳнат ресурсларининг нотекис тақсимланганлигидадир. Мазкур ресурслар асосан, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида жамланган бўлиб, ишсизликнинг энг юқори даражаси эса Навоий вилояти ҳамда Қорақалпоғистонда қайд этилган.

Семинар давомида меҳнат бозорини шакллантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш масалаларидаги жаҳон тажрибаси мутахассислар томонидан кўриб чиқилди. Бу борада Ўзбекистон тўғри йўл тутаётганлиги таъкидланди. Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни кетаётган бир пайтда хорижий инвестицияларни жалб этиш, кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш ҳамда мулкдорлар синфини шакллантириш иқтисодиётимизнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

# ҚАЛБАКИ ДИПЛОМ ФОШ ЭТИЛДИ

— Сўнгги пайтлари қинғир йўлга кириб қолган айрим фуқаролар орасида қалбаки дипломлардан фойдаланиш ҳоллари учрамоқда. Масалан, Тахтакўпир туман судида бу борада иккита жиноий иш кўриб чиқилди, - деди туман халқ суди раиси Қодирбой Жамолов «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. — Дарҳақиқат ,бундай ачинарли ҳоллар бизнинг туманимизда учради. Масалан, тикувчилик ихтисоси бўйича таълим олаётган Зулфия Абдусалиева Тошкент педагогика билим юртини тугатганлиги тўғрисида қалбаки диплом сотиб олиб, тумандаги 18-мактабда 1993 йилдан бери ишлаб келган. Бу қалбаки диплом туман прокуратураси томонидан аниқланиб, З.Абдусалиевага Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси 3-банди бўйича жарима солинди. Шунингдек, 1996 йили Тахиатош касб-ҳунар лицейини битирган Элмира Олламберганова 1997 йили Тошкент педагогика билим юртининг қалбаки дипломини 20 минг сўмга сотиб олган ва тумандаги мактабда 1999 йилнинг декабригача ўқитувчи бўлиб ишлаб келган. Бу жинояткорона хатти-ҳаракат прокуратура ходимлари томонидан олиб борилган текширув натижасида аниқланди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси 3-банди бўйича жарима солинган Э.Оллаберганова ишдан бўшатилди.

**Довуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**«Туркистон-пресс»**

# ЭСКИ УСЛУБ ПАНД БЕРМОҚДА

## ёхуд Қувасой «Паррандачилик» фабрикаси қарзга ботганлигининг сабаблари ва сабоқлари

***Тулпорни чавандоз миниши керак, дейди доно халқимиз, акс ҳолда, от ҳам, уни минган ҳам хароб бўлади. Қувасой туманидаги «Паррандачилик» фабрикасида бўлганимизда ана шу сўзлар ёдимизга тушди. Бир вақтлар чинакамига етти хазинанинг бири эканини амалда исботлай билган фабрика бугунги кунда ночор аҳволга тушиб қолди. Ўз фаолиятини шу соҳа билан боғлаб, рўзғор тебратаётганлар энди қаёққа боришсин?***

Замонавий лойиҳалар асосида қурилган бинолар кундан-кунга нураб, харобага айланиб бораяпти. Шунга қарамай бу ердаги аҳвол мутасадди раҳбарларни ташвишга солмаяпти!

Йўл қўйилган камчиликлар ҳақида Юртбошимиз халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида билдирган танқидий фикрларни ёдга олайлик: мулк шаклини номигагина ўзгартириш ва эскича иш юритиш усулларидан ўз вақтида воз кечилмаслик натижасида, афсуски, «Қувасой-парранда» ҳиссадорлик жамияти ҳам инқирозга юз тутди. Ишлаб чиқариш издан чиққанлиги боис, турли ташкилотлардан қарзлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда...

Тўғри, маълум муддат корхонага ишбилармон, тадбиркор инсон Федор Ли раҳбар бўлиб ишлаган даврда иш бироз юришган деса бўлади. Янги раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари билан «Пахтабанк»нинг Фарғона вилояти бўлими томонидан корхонага 10 миллион сўм кредит берилди ҳам. Пул тушган ҳамон биринчи навбатда ем озуқаси олиб келинди. Шундан сўнг, паррандаларни бўлиб рацион асосида парвариш қилишга ўтилди. Ҳадемай товуқлар тухумга кириб, натижада 1997 йили ҳар куни 110-120 минг дона тухум олина бошланди. Бир кунлик даромад 1 миллион сўмга етди. 10 миллион сўм олинган кредитнинг кучи билан корхона жонлана бошлади. Минг афсуски, бу узоққа бормади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Федор Лининг соғлиги ёмонлашиб, нафақага чиқишга мажбур бўлди.

Унинг ўрнига корхонага Қувасой шаҳар МТПсида директор бўлиб ишлаб келган Акрамжон Маърупов раҳбар этиб тайинланди-ю корхонадан путур кетди. Меҳнат интизоми издан чиқди. Боз устига, янги раҳбар корхонадаги мавжуд электр тармоқларини қарзи бор ташкилотларга схема асосида сотиб юборди.

Тухум қиладиган паррандалар сони тез орада 215 минг бошдан 40 минг бошга тушиб қолди, бу ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига олиб келди. Маҳсулдорлиги паст товуқлар тирик вазнда қарзларга берилди. Ўзибўларчилик оқибатида тухум таннархи қимматлашиб, фойда ўрнига зарар келтира бошлади. Масалан, ўтган йили режа бўйича 39 миллион дона тухум ўрнига 19 миллион 900 минг дона етиштирилди ёки бу соҳадаги режа 51 фоизга уддаланди. Инкубацияга тухум қўйиш 49 фоизга бажарилди. Жўжа олиш режадаги 1 миллион 612 минг ўрнига 736 минг донага тушиб қолди. Йил давомида маҳсулдорлик пасайиши натижасида 13 миллион 464 минг дона кам тухум олинди. Вазн олиш эса 134 тоннага камайиб кетди. Энг муҳими, озуқадан тежаб-тергаб фойдаланилмади. Натижада жами режадагидан 1512 тонна ортиқча ем сарфланди. Бу ўз-ўзидан маҳсулот таннархига ҳам таъсирини ўтказди. Етти хазинанинг бири деб таърифланмиш соҳага ихтисослашган корхона ўтган йилни 95 миллион 196 минг сўмлик зарар билан якунлади.

Дебиторлик қарзлар 2 миллион 186 минг сўмни ташкил этгани ҳолда фабрика Дон маҳсулотлари комбинатидан 20 миллион, ойлик иш ҳақидан 6 миллион, пенсия жамғармасидан 9 миллион, солиқдан 5 миллион, электр энергиясидан 15 миллион, газдан 3 миллион, оқава сувдан 3 миллион ва бошқа фирмалардан 24 минг 615 сўм қарздор бўлиб қолди.

Яқинда яна раҳбар алмашди. Гап-сўзлари, хатти-ҳаракатларидан ишбилармон ва тадбиркорлиги билиниб турибди. Лекин унга яқиндан ёрдам берилмаса, аҳволни ўнглаш мушкул. Энг аввало фабрикани сифатли озуқа билан таъминлаш муаммосини ҳал қилмоқ керак. Корхонанинг бир меъёрда ишлаши учун кунига 8 тонна, ойига эса 240 тонна сифатли аралаш озуқа зарур бўлади. Бундан ташқари, паррандалар учун ишлатиладиган дори-дармон масаласига ҳам ойдинлик киритиш даркор. У эса хорижда ишлаб чиқарилади, афсуски, харид учун фабрикада маблағ йўқ.

Ҳисоб-китобларга қараганда, корхонани иқтисодий инқироздан олиб чиқиш учун 250 миллион сўм миқдорида кредит олиш зарур. Иккинчидан, корхона ихтиёрида тош ва шағалдан иборат жами 667 гектар ер бўлиб, шундан 218 гектарида деҳқончилик қилинади. Фабрика ҳудудига сув келтириш ниҳоятда қийин. Етарли миқдорда сув бўлмас экан, экиндан кўзланган ҳосил олиш мушкул.

Бизнингча, бевосита паррандачилик фабрикасида ишлаётганлар ҳам, унинг мутасаддилари ҳам эскича фикрлашга барҳам бериб, баҳамжиҳат иш юритсалар, бу муаммоларнинг ечими албатта топилади.

Қолаверса, парҳез гўштини четдан валюта ҳисобига келтиришдан кўра уни ўзимизда етиштириш мақсадга мувофиқдир. Ҳам маҳсулот арзонга тушади, ҳам қанчадан-қанча янги иш ўринлари ташкил этилади...

**Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

***САВОЛ: 1941-1945 йилларда уруш ортида меҳнат қилганман. Ер солиғидан озод бўламанми? Умуман, менга қандай имтиёзлар бор?***

**Ҳ.СОДИҚОВ,**
**Қувасой шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортида меҳнат қилган фуқаролар Қонун ҳужжатларига кўра қуйидаги имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин:

1) сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларига икки йилда бир маротаба, бепул йўлланма олиш ҳуқуқига;

2) шифокор рецептига асосан бепул дори-дармон олишга;

3) даволаниш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этилишга;

4) коммунал хизматлар (газ, сув, эектр ва иссиқлик энергияси) учун ҳақ тўлашда 30 фоиз енгилликка эга;

5) даромад солиғи тўлашдан озод этиладилар (энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида).

Демак, юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ер солиғидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқига эга эмассиз.

***САВОЛ: уруш қатнашчисиман, колхозда инсон саломатлиги учун зарарли касбда ишлаганман. Оиламга келсак, 8-синфда ўқийдиган қизим бор, хотиним ишламайди, ҳеч қандай нафақа ҳам олмайди. Ҳозирги вақтда 5156 сўм миқдорида пенсия оламан, бироқ бу пул оилавий эҳтиёжларимизни қопламайди. Менинг пенсиям миқдорини ошириш имконияти борми?***

**И.ЮСУПОВ,**
**Нарпай тумани, «Нарпай» ширкат хўжалиги.**

**ЖАВОБ:** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси «ж» бандига мувофиқ Сизга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида қўшимча бериш назарда тутилган. Ушбу қўшимча ҳисоблаб чиқарилган пенсиялар устига қўшиб берилади. Пенсиялар шахснинг меҳнат фаолияти муддатлилигини ҳисоблаб чиқариш ва ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бу ҳақда ушбу газетанинг олдинги сонларида батафсил маълумот берилган. Агар соғлиқ учун зарарли касбда ишлаган бўлсангиз, қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиб, 60 ёшдан олдин ёшга доир пенсияга чиққан бўлишингиз керак эди. Пенсиянгиз миқдорини ошириш учун ҳозирги олаётган пенсиянгиз тайинланишида ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик иш ҳақингиздан ташқари, 1994 йил 1 июлгача бўлган хоҳлаган 5 йиллик давомидаги ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани ўзингиз истиқомат қилаётган туман ижтимоий таъминот бўлимига топширишингиз мумкин.

Шунингдек, қизингизга 16 ёшгача нафақа ҳамда ёрдам пули беришни сўраб ўз-ўзини бошқариш органига мурожаат этишингиз лозим.

## Саволингизга ҳуқуқшунос Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА жавоб беради

***САВОЛ: штат қисқарганида ариза ёзиладими?***
***Иш топгунга қадар неча ой ўртача иш ҳақи сақланади ва қачонгача тўланади?***

**Л.Тўраева,**
**Поп тумани Гулистон қишлоғи.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 102-моддасига мувофиқ иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қуйидаги муддатларда огоҳлантириши шарт:

1) меҳнатга оид муносабатларни:

- технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан (МК 100-моддаси иккинчи қисми, 1-банди);

- корхона мулкдори алмашганлиги туфайли шу корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 6-банди) бекор қилинганда камида икки ой олдин;

2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда - камида икки ҳафта олдин (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди).

Меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинганда (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 3- ва 4-бандлари) иш берувчи ходимни камида 3 кун олдин хабардор қилиб қўйиши шарт.

Юқорида келтирилган асослар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимдан ариза талаб қилинмайди.

Огоҳлантиришдан мақсад нима? Ана энди мазкур масалага қисқача тўхталиб ўтсак: аввалги МҚКда иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини фақат МҚК 41-моддасининг 1-бандида қайд қилинган асос - ходимларнинг сони (штати) қисқариши ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш назарда тутиларди. Бошқа барча асослар бўйича меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш ходимни огоҳлантирмасдан туриб амалга ошириларди.

Амалдаги Меҳнат Кодекси шундан келиб чиқадики, бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиш ходим учун кутилмаган ҳол бўлиши мумкин эмас ва иш берувчининг ходимни у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти тўғрисида олдиндан огоҳлантириб қўйишдан иборат умумий мажбуриятини қайд этади.

Шундай қилиб, иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ходимни олдиндан огоҳлантиришдан олдин асосий мақсад шундан иборатки, токи ходимга меҳнат шартномасини бекор қилишга тайёрланиш имкони берилсин, шу муддатда ўзига мос келадиган иш топиб олсин. Шу билан бирга ушбу муддатнинг ўзида қонун ҳужжатлари иш берувчига меҳнат шартномасини МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1,2 ва 6-бандлари бўйича бекор қилиш чоғида ходимни мазкур корхонанинг ўзида ишга жойлаштириш учун зарур чоралар кўриш мажбуриятини юклайди.

Бу ерда эътиборни яна шунга қаратмоқ лозимки, Меҳнат Кодекси кўрсатилган огоҳлантириш муддатларини белгиланган тартибда тенг миқдордаги компенсация билан қоплаш имкониятини беради.

Юқорида санаб ўтилган асосларга кўра (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1,2,6-бандлари) меҳнат шартномаси бекор қилиниши чоғида ходимларга моддий қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги кафолатлари берилади:

- камида бир ойлик ўртача маош миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланади;

- иш излаш даврида бир ойлик ишдан бўшатиш нафақасини ҳисобга олган ҳолда камида икки ой муддатга ўртача ойлик иш ҳақи сақланади;

- агар ходим ўзи билан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ўн кундан кечикмасдан маҳаллий меҳнат органида иш изловчи мақомида рўйхатдан ўтса, кейинчалик ишга жойлаштирилганлиги маҳаллий меҳнат органининг тегишли маълумотномаси билан тасдиқланса, иш излаш давридаги ўртача иш ҳақи учинчи ойга ҳам сақланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 102-моддасининг 6-қисмига биноан огоҳлантириш муддати давомида, ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади.

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI. FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN. ОЛИЙ БАХТ





***САВОЛ: Кўзим ожизлиги сабабли I-гуруҳ ногирониман. Биз каби ногиронларга газ ва электр энергиясидан фойдаланишда қандай имтиёзлар бор?***

**К.Юсупов, Тўрткўл шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Кўзи ожиз 1-гуруҳ ногиронлари Қонун хужжатларида кўрсатиб ўтилган қуйидаги имтиёзларга:

— даволаниш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этилишга;

— икки йилда бир маротаба бепул сиҳатгоҳга йўлланма олишга;

— тиббий хулосага асосан протез ортопедия буюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачасини бепул олишга;

— барча турдаги (таксидан ташқари) шаҳар йўловчи транспортларида;

— туман ҳудудидаги (таксидан ташқари) йўловчи транспортларида;

— шаҳар атрофида қатновчи (таксидан ташқари) йўловчи транспортларида бепул юриш ҳуқуқига;

шунингдек, шаҳар атрофига қатнайдиган темир йўл транспортида;

— турар жой учун ҳақ тўлашда (1 кишига 16 кв/метр);

— коммунал хизматидан фойдаланганлик учун (газ, сув, электр ва иссиқлик энергиясидан) 50 фоиз енгилликка;

— марказий иситиш тармоғи бўлмаган уйларда яшайдиганлар ҳар йили 50 фоиз арзон нархда 2 тонна кўмир олиш ҳуқуқига;

— телефон учун абонент ҳақи тўлашда 50 фоиз енгилликка;

— даромад солиғи тўлашда энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдоридаги енгилликка эгадирлар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзларга изоҳ бериб шуни айтиш жоизки, хонадонингизда бир ойда 110 кв соат миқдоридан ортиқча фойдаланилган электр энергияси учун 100 фоиз миқдорида ҳақ тўлайсиз. Агар 110 кв соат миқдоригача фойдаланган бўлсангиз, ўша фойдаланилган электр энергия миқдорининг 50 фоизига ҳақ тўлайсиз.

Шунингдек, газдан имтиёзли фойдаланувчи шахслар учун 1999 йил 1 январдан бошлаб бу имтиёздан фақат ўзи учунгина фойдаланиш меъёрлари белгиланди. Бунда марказлашган иссиқ сув тармоғи билан таъминланган уйларда бир киши учун 1 ойда бу меъёр 9 куб/м. қилиб кўрсатилган.

Марказлашган иссиқ сув тармоғи бўлмаган уйларда газдан имтиёзли фойдаланиш бир ойлик меъёри 12,5 куб/м.ни ташкил этади. Газ ўлчагич асбоблари ўрнатилган уйларда ҳар бир оилада, унинг оила аъзолари сонига қарамай ҳақ тўлаш иситиш майдони 40 кв/м.ни ташкил этади.

## МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига асосан меҳнат шартномаси иш берувчи ёки ходим ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Аммо меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимга ҳеч қандай талаб қўйилмайди, у хоҳлаган пайтида иш берувчи номига ариза ёзиб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.***

Иш берувчи эса қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлган тақдирда меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин. Ҳар бир иш берувчи/корхона, ташкилот, муассаса раҳбари/меҳнат шартномасини бекор қилишда қонун бузилишига йўл қўймаслик учун меҳнат қонунининг 100-моддасида кўрсатилган сабабларга асосланиб иш кўриши лозим бўлади. Улар қуйидагилардан иборат:

— технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;

— ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёхуд соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

— ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги;

— ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги;

Ходим билан тузган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати:

— ички меҳнат тартиби қоидалари;

— корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;

— айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эгалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ножўя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади;

— ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши ёки ўриндошлик ишининг чекланиши;

— мулкдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги.

Лекин, шуни айтиб ўтиш керакки, қонунда кўрсатилишича, юқорида қайд қилинган асослар мавжуд бўлса ҳам, ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки қонуний таътилда бўлган даврида меҳнат шартномасини бекор қилиш ғайриқонуний ҳисобланади.

Шунингдек, қонуннинг 101-моддасида башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Касаба уюшма қўмитасининг 10 кун ичида қарор қабул қилиши ва иш берувчи ушбу қарорни олгандан сўнг бир ойдан кечиктирмай меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.

МКнинг 102-моддасига асосан иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ходимни ёзма равишда огоҳлантириши шарт, деб кўрсатилган.

Қонуннинг 100-модда иккинчи қисмининг 1-бандига асосан, яъни технологиядаги ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятларининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда 2 ой олдин, ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан у бекор қилинганда эса (100-модда иккинчи қисмининг 2-банди) икки ҳафта олдин огоҳлантирилиши шарт.

Лекин ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган огоҳлантириш ўрнига, унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштириш йўли билан ҳам меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин.

Агар тиббий хулосага кўра меҳнат шартномаси ходимнинг соғлиғи ҳолати ишига нолойиқ бўлиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ушбу модданинг биринчи қисми 2-бандида назарда тутилган огоҳлантириш қилинмайди, бундай ҳолда ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдорида компенсация тўланади.

Ходимнинг айбли ҳаракатлари билан боғлиқ ҳоллардан ташқари иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга ўртача иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 1,2,6-бандларига асосан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ходимга иш топиш даврида ишдан бўшатилгандан сўнгги 2-ой учун ўртача иш ҳақи миқдорида маош тўланади.

Агар ходим меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин 10 кун ичида меҳнат биржасида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турса, биржанинг маълумотномасига асосан ишлаган жойидан 3 ой учун ҳам ўртача иш ҳақи миқдорида маош олиши мумкин.

Қонуннинг 237-моддасига асосан ҳомиладор аёлларни ва 3 ёшгача боласи бор аёлларни иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди. Бунга фақат корхона тугатилиши билан боғлиқ ҳолларда йўл қўйилиши мумкин, аммо уларни ишга жойлаштириш масаласи албатта ҳал қилиниши лозим.

Иш берувчи ташаббуси билан ёши 18 га тўлмаган ходимларни ишдан озод қилишга меҳнат биржасининг розилигисиз йўл қўйилмайди.

Қонуннинг 25-моддасида белгиланишича, вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга шунингдек, вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйилган лавозимидаги ваколати тугагандан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан умумий тартибдан ташқари маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Шунинг учун иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда қонунга қатъий риоя қилиниши лозим. Бу эса ҳар қандай меҳнат низоларини келиб чиқишидан халос қилади ва ортиқча харажатларнинг олдини олади.

**Я. ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Хоразм вилоят касаба уюшмалари кенгашининг ҳуқуқ бўлими мудири.**

## ҲУРМАТЛИ ТАҲРИРИЯТ!

***Бахтга қарши оз бўлса-да қонунни яхши билмайдиган раҳбару мутахассислар йўқ эмас. Шу боис улар фаолиятларида меҳнатга оид муносабатларда ишчи ёки ходимни камситишга йўл қўйишади. Таъкидлашларича, Меҳнат Кодексида бу ҳақда алоҳида модда бор экан.***

**Б. Исломов, Олот тумани.**

**ЖАВОБ:** чиндан ҳам Меҳнат Кодексининг 6, 7, 8-моддалари меҳнатга оид муносабатларда камситишнинг тақиқланишига бағишланган. Хусусан, 6-моддада эътироф этилишича, барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар)тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.

Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

**7-модда. Мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши**

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади.

Қуйидаги ишлар, яъни:

ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида;

фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;

суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

**8-модда. Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади.

***Аёлларга йиллик таътилларни бериш навбатини белгилашдаги имтиёзлар ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламиз.***

**Л.Чориева,**
**К.Алимардонова,**
**Сариосиё тумани.**

**ЖАВОБ:** Ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллар, уларни хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътилидан кейин берилади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ва ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллар, уларнинг хоҳишига кўра ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади.

***Ҳурматли таҳририят ходимлари, бир масала бизни ғоят қизиқтириб қолди. Яъни интизомий жазо устидан шикоят қилиш йўллари қандай бўлади?***

**Н.Мардонова, Н.Алихўжаева,**
**Тошкент тумани.**

**ЖАВОБ:** Саволингизга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 184-моддасида муайян тарзда жавоб берилган. Унда таъкидланишича, интизомий жазо устидан якка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган содир этилган ножўя хатти-ҳаракат қандай вазиятда юз берганлигини, ходимнинг олдинги хулқ-атворини, меҳнатга бўлган муносабатини, интизомий жазонинг содир этилган ножўя хатти-ҳаракатининг оғирлик даражасига қанчалик мос келишини, иш берувчининг интизомий жазо бериш тартибига риоя қилганлигини ҳисобга олиб, ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазони ғайриқонуний деб топиш ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

***«Ишонч»нинг аввалги «Ҳуқуқий маслаҳатхона»сида меҳнат интизоми ҳақида жуда яхши мутахассис мақоласи чоп этилди. Ундан бутун жамоамиз катта наф кўрди. Энди ҳомиладор аёлларни ва боласи бор аёлларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар ҳақида тушунча беришингизни илтимос қиламиз.***

**К.Оллоёрова, Ш.Бўтаева,**
**Элликқалъа тумани.**

**ЖАВОБ:** Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Бу ҳақда Меҳнат Кодексининг 224-моддасида гапирилган.

